

## ИҚТИСОДИЁТНИ ЭКОЛОГИК БОШҚАРИШДА ТАБИАТ РЕСУРСЛАРИ ЎРНИНИ БАҲОЛАШ

М. А. Баҳодирова

Ўзбекистон республикаси вазирлар махкамаси хузуридаги бизнес ва тадбиркорлик олий  
мактаби магистранти

**Аннотация:** Ушбу мақолада иқтисодиётни экологик бошқаришда табиат ресурслари ўрнини баҳолаш хақида фикр юритилган. Табиатнинг барча элементлари “атроф-муҳит” тушунчасини ифодалаши мисоллар орқали далилланган.

**Калит сўзлар:** иқтисод, экологик бошқариш, табиат экологик инқизор, жамият, табиий ресурслар, табиий хизматлар.

“Табиат”, “атроф-муҳит”, “атроф табиий-муҳит”, “табиий шароит” “табиий неъматлар”, табиатдан фойдаланиш”, “табиат муҳофазаси”, “табиатни асрар” ва “табиий ресурслар”дан фойдаланишни яхшиланишинг муҳим йўналишларидан бири бу уларни баҳосини аниқлаш ёки табиий ресурс ва табиий хизматларни иқтисодий баҳолаш ҳисобланади.

Табиатнинг барча элементлари “атроф-муҳит” тушунчасини ифодалайди. “Атроф-муҳит” тушунчасига инсон томонидан яратилган предметлар (бинолар, автомобиллар ва бошқалар) кирмайди, чунки улар айрим одамлар доирасига таалукли бўлиб, жамиятни ўраб турадиган атроф-муҳит ҳисобланмайди. Лекин инсон фаолияти ўзгартирган табиий участкалари (шахарлар, қишлоқ хўжалиги ерлари, ўрмон ихотазорлар) атроф-муҳитга киради, чунки улар жамият муҳитини барпо этади.

Ривожланган бозор муносабатлари шароитида, ресурслар бозори мавжуд бўлиб, у нархларни шакллантириш ва иқтисодий ривожланишинг тўғри вариантини танлашга имкон беради. Инсониятда ГЭСда олинадиган энг арzon электр-энергия хақида тушунча сақланиб қолган. Лекин хеч қачон объектлар лойихалаштиришда аҳоли, қишлоқ хўжалиги, сув, балиқ, ўрмон ва бошқа хўжаликлари заарлари ҳисобга олинмаган. Ёки нефть қазиб олишда ўрмон, хайвонот дунёси, тўпроқ деградацияси туфайли заар ҳисобга олинмаган.

Табиий ресурслар баҳосини, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондлари билан бир қаторда миллӣ бойлик таркибига кўшилганда, улар бу бойликни анчагина қисмини ташқил қилиши мумкин. Аксинча, табиий неъматларни етарли даражада баҳоламаслик эса ижтимоий иқтисодий ривожланиш ҳолатини бўзиб кўрсатади ва бунинг натижасида ижтимоий-иктисодий ривожланиш йўналишларини самарасиз вариантларини танлашга олиб келади.

Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари - ЯИМ, ЯМД, СИМ, ШД ва аҳоли жон бошига даромад техноген табиий сифими катта ривожланишга асосланади, бу эса келажакда табиий ресурсларни қувватлизланиши ва атроф-муҳит ифлосланиши натижасида иқтисодий кўрсаткичларнинг бирданига ёмонлашишига олиб келиши мумкин. Бугуннинг ўзида, олимлар ҳисоб-китобларига кўра, атроф муҳитни ифлосланишидан иқтисодий заар ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг 3-5 %и, Россияда - 10-15 %ини ташқил этади<sup>15</sup>. 2020 йилнинг ўзида Ўзбекистон Республика бўйича йирик ташқилотлар, микрофирма ва кичик корхоналар томонидан атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддалар миқдори 924,4 минг тоннани,

хосил бўлган токсик ва нотоксик чиқиндилар миқдори 125,6 млн. тоннага тенг бўлиб, табиатни муҳофаза қилиш жорий харажатлари 729,1 млрд. сум, атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун компенсация тўловлари 29,6 млрд. сўмни ташқил этди<sup>1</sup>.

Фойдали қазилмаларни (нефть, газ, руда кўмири, рангли металлар қазиб олиш ва ердан фойдаланишга йўналтирилган кўпгина энергетик ва аграр дастурлар анъанавий макроиқтисодий кўрсаткичларни ортиқча ишлатиш имконини беради. Бироқ бундай ҳол кўпгина мамлакатлар учун салбий экологик оқибатларга олиб келиши равшандир.

Жаҳоннинг энг “табиатни севувчи” мамлакатларидан бири Японияда макроиқтисодий кўрсаткичларга экологик тузатиш киритилганида анъанавий ЯИМ 16 % га камайган. Экологик зарарни ҳисобга олиб тузатиш қилинганда, нафакат иқтисодий кўрсаткичларни қискариши, ҳатто үсишни салбий мазмунга эга бўлиши хам мумкин. Экологик тузатиш анъанавий иқтисодий\_ кўрсаткичларни қискарищига ва ҳатто үсиш кўламини салбий характеристи билан хам ифода қилиниши мумкин. Бу усуллар бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китобларда табиий ресурсларнинг толикиш қийматини ҳисоблаш, экологик зарар, ифлослантиришнинг саломатликка таъсирини ҳисобга олиш ва ресурсларни вақт бирлигига махсулдорлиги, дисконтлаш билан боғлиқ қийинчиликлар талайгина.

Шунинг учун “яшил” ҳисобларнинг услубий статистик базаси фаоллик билан қайта ишланмоқда. Г.Дали ва Дж.Кобб томонидан таклиф этилган яна икки кўрсаткич эътиборга лойик: ижтимоий ривожланиш индекси ва барқарор ижтимоий фаровонлик индекси.

Биринчиси - агрегат кўрсаткич бўлиб, нормал хаёт учун зарурий ресурсларга эгалик қилиш даражаси, билим даражаси ва хаёт давомийлиги асосида ҳисобланади.

Иккинчиси - мажмуа кўрсаткич бўлиб, нотўғри хўжалик юритиш билан боғлиқ бўлган экологик характеристидаги харажатларни ҳисобга олади.

Амалга оширилган ҳисоб-китобдан сўнг Г.Дали шундай фикр билдирган “...инсон фаровонлиги ўлчови бўлиб ЯИМ кўрсаткичи қолар экан, ўзгаришлар йўлида катта тўсиқлар мавжуд бўлади. Бозор фақат самарадорликни кўради, у адолат ва барқарорликни сезишга қодир эмас”

Юқорида келтирилган ёндашувлар “соф” эмас, улар кўп ҳолларда кесишиди. Ушбу айтиб ўтилган ёндашувларни асосий белгиларини кўриб чиқамиз: биринчидан, бозорни муҳим сифати - бу ресурсларни тақчиллиги туғрисида баҳо ахбороти орқали тури ресурсларни энг яхши тарзда ишлатишни таъминлаш имкониятидир. Нефть, газ, ер, сув ва бошқа табиий ресурсларни бозор баҳоси ва уни ўзгартириш, уларни (ресурсларни) самарали фойдаланишини тартибга солиш имкониятини беради. Бироқ, атроф-муҳитни ёмонлашуви, табиий ресурсларни қувватсизланиши, хаддан ташкари ифлослантириш бозор механизмида бузилишлар мавжудлиги тўғрисида гувохлик беради. “Табиий ресурслар бозорида” шаклланган нархлар кўпинча табиий неъматларни қийматини бўзиб кўрсатади. Экологик омиллардан фойдаланишнинг ижтимоий харажатини ва нафни реал ҳолатини акс эттирмайди. Натижада ресурсларнинг тақчиллигини талаб ва таклиф миқдорларини мос ҳолда баҳоламаслик ҳамда табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун бўлган қизиқишини камайтирадиган вазия юзага келади. Бу нарса кўп ҳолларда юқорида тилга олинган баҳони бўзиб кўрсатадиган ва ҳақиқий харажатлар нуқтаи-назаридан уни пасайтирадиган, экстернал харажатларни баҳода етарли даражада ҳисобга олмаслик билан боғлиқ.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитаси. Статистик ‘бюллетеңь’ ‘2020 йилда-табиатни муҳофаза қилиш табиий ресурслардан оқилона фойдалниш; ўрмончилик ва овчиликнинг асосий кўрсаткичлари’. Тошкент- 2021й.

Шундай қилиб, анъанавий бозор атроф-мухитни факат битта функциясини озми-кўпми қониктирадиган даражада баҳолайди. Хаётни мавжудлигини таъминловчи бошқа икки муҳим функциялар эса -чиқиндилар ва ифлосланишни ассимиляция қилиш, одамларни табиий хизматлар билан таъминлаш (рекреация, эстетик завқ олиш ва бошқалар) - бозор тизимида ўзига мос келадиган баҳони олмайди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. БМТнинг атроф-мухит ва ривожланишга доир конвенцияси (1992й. Рио-де-Жанейро).
2. Бекмуродов А.Ш.,Faфуров У.В. Ўзбекистонда иктисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устивор йуналишлар Ўкув кулланма. Тошкент 2007
3. Бобылев С.Н. Экономика природопользования. Изд-во ИнФРА. М.: 2010, с.502
4. Гуломов С.С. Алимов Р.Х. Салимов Б.Т. Ходиев Б.Ю. Ишназаров А. Микроиктисодиёт. "Шарк" нашриёт матбаа Акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент: 2001, 319 6.
5. Olimov, S. S., & Mamurova, D. I. (2021). Graphic Information Processing Technology and its Importance. *European Journal of Life Safety and Stability* (2660-9630), 10, 1-4.
6. Olimov, S. S., & Mamurova, D. I. (2022). Information Technology in Education. *Pioneer: Journal of Advanced Research and Scientific Progress*, 1(1), 17-22.
7. Olimov, S. S., & Mamurova, D. I. (2022). Directions For Improving Teaching Methods. *Journal of Positive School Psychology*, 9671-9678.
8. Sulaymonova, M. (2022). Improving the Methodology of Teaching Fine Arts with the Help of Collaboration Technology. *Pioneer: Journal of Advanced Research and Scientific Progress*, 1(4), 117-123.